



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЮНЕСКО бош қароргоҳида Ўзбекистонга бағишланган кеча

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Унда ЮНЕСКО раҳбарияти ва ЮНЕСКО Бош конференцияси 35-сессиясининг раиси Д.Хепберн, ЮНЕСКО Бош директори стратегик режалаштириш масалалари бўйича ўринбосари Г.Д'Овилль, ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ўринбосари П.Сане, маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.Кен, шунингдек, ушбу ташкилот тизимидаги доимий ваколатхоналар вакиллари, Парижда аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар ходимлари, Франциянинг ижтимоий-сиёсий ҳақиқат иқтисодий доиралари вакиллари қатнашди.

Мент сайловлари ҳақида маълумотлар берилди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналарига бағишланган видеопрограммани катта қизиқиш билан томоша қилишди ҳамда мамлакатнинг бой сайёҳлик салоҳияти ва ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. Тадбирнинг айрим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди.

МДХ давлатларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият юритувчи «SPICAPAG» компанияси директори Жан АЖАЙ: — Компаниямиз кузатиб доирасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятига эга барча жадал ривожланган миллий иқтисодий намуналарни аниқ кўрилади. Ўзбекистоннинг юқори иқтисодий кўрсаткичи ва мамлакат иқтисодийнинг барқарорлиги эришувчи, аҳоли фаровонлигининг юксалиши, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳукумати томонидан пухта ўйланган сиёсат натижасидир. Ўзбекистон 18 йил ичида ўзини дунё сатҳида етарлилик намойиш этди, бу ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш компаниямиз стратегиясининг истиқболли йўналишларидан бирига айлани-

шига яна бир туртки бўлди. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида биринчи — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолият юрита бошлаши ҳам бизга келгусида бирга амалга ошириладиган ишларимиз учун умид ва ишонч бағишлайди.

Самарқанд шаҳридаги Франция археология экспедициясининг раҳбари Франц ГРЕНЕ: — Биз Ўзбекистонда қарий йигирма йилдан буён ишлаймиз, шунинг учун мустақиллик йилларида бу ерда барча соҳаларда теран олиб борилган ишхотларнинг гувоҳимиз, десак бўлади. Утган даврда кўна Афросиёб шаҳри ўрнида ушбу археология объектининг ёшани белгилаб олиш имкониятини берган кенг қўламли қазилма ишлари амалга оширилди. Биз, шунингдек, Челақ қишлоғининг ёнидаги қазилма ишлари олиб борилган қизилқоғди жойлар ва қўрғонларда ишладик. Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятининг чуқур ўрганилишига ҳисса қўшиш биз учун улкан шараф ва биз археология институтида фаолият юритаётган ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Айни пайтда Франция илмий жамоатчилигини тадқиқотларимизнинг сўнгги натижалари билан таништиришга хизмат қиладиган китоб ва монографияларни чоп этишга тайёрлаямыз.



Дунё узра ҳилпирайди яловим, Фуруримиз, эркимизнинг тилмовим, Шу байроқдир танимдаги оловим, Асрағайман уни юрак мисоли.

Шону шараф, ифтихорнинг матоси, У юракнинг меҳри билан тиклаган, Озодликни улуглаш мудоаси, Ватан деган юксакликка тиклаган.

Музаффарман, бошим узра кўтариб, Гўё Ватан осмонини тутгандек, Ўнуб кўйдим байроғимни мақтаниб, Опазоним юзларидан ўнгандек.

Бу юракнинг юлдузи бор, ойи бор, Ўзин эса Кўёш юрти атадим. Дунё ичра ўзбекнинг ҳам жойи бор, Байроғимни энг юксакка қададим.

Ашурали БОЙМУРОД

ЖАСУР САЁХАТЧИ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси-га Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида келган мактублардан бирида шундай ёзилган эди: «Ўзбек-Француз маданий-гуманитар ҳамкорлигининг самарали ривожини доирасида, шунингдек, таниқли француз тадқиқотчи-саёхатчиси Жозеф Мартэн хотирасига эҳтиром кўрсатиб, унинг ўзбек ва француз халқларининг ўзаро яқинлашувида ноб вакил бўлганлиги, Марказий Осиё минтақасини илмий жиҳатдан ўрганиш ишига қўшган бебаҳо ҳиссасини ҳисобга олиб ва унинг Фаргона шаҳрида, ўзбек тупроғида дафн этилганлиги боис, Ўзбекистонда замонавий хайкалтарошлик санъати юксак даражада ривожланганлиги, ўзбек хайкалтарошлиқнинг юксак малака ва маҳоратидан келиб чиқиб, Ж.Мартэн илмий меросини халқаро жамоатчиликка таништириш мақсадида — Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида»

наси Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда Ж.Мартэн бюсти ва ёдгорлик лавҳаси бадий лойиҳаси учун танлов эълон қилишни тақлиф этди.»

Хўш, Жозеф Мартэн ким эди? XIX аср охирида Европада довруқ солган бу инсоннинг ҳаёти гаройиб саргузаштларга шу қадар бойки, бир пайтлар машҳур француз ёзувчиси Жюль Верн унга мактуб йўллаб, «Машель Строгофф» деган бўлажак китоби учқундан Сибир ҳақида маълумотлар сўраган.

Жозеф Мартэнни Марко Поло издошларидан бири дейиш мумкин. Унинг Сибир, Хитой ва Тибет саёхатлари натижасида йиғилган маълумотлари, ҳисоботлари ва этнографик бисотлари Европа музейларини ҳамон безаб турибди. Фаргона шаҳридаги 3-мактуб унинг номи билан аталади.

ЯПРОҚ ЁЗАЁТГАН «БИНАФША»

Ёшлиқнинг, талабаланикнинг ҳар лаҳзаси гўзал. Ҳаётнинг бу онларида қилинган ҳар иш — ҳавас ва орзулар, дастлабки ўринишлар қишига ҳам завқ ҳам сабоқ беради. Аммо, муҳими, бу бетакрор фаслдан ёруғ эсдаликлар, ширин хотиралар қолади. Кунин кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тахсил олаётган бир гуруҳ талаба ёшларнинг назмий ва насрий машқлари жамланган «Япроқ ёзди бинафша» номи китоби тақдимида ана шундай фикрлар кўнглимиздан кечди.

Мазкур университет азалдан устоз ижодкорлар, атоқли илм соҳибларига қутлуғ маскан бўлган. Мақсуд Шахзода домланинг шу даргоҳга меҳр кўйгани ҳам бежиз эмасди. Чунки бу олийгоҳ илму ижодни уйғунлаштирган даргоҳдир.

Университетнинг анжуманлар залида профессор-ўқитувчилар, шoir ва адиблар, ижодкор талабалар иштирокида ўтган тақдирот маросими чинакам адабиёт, шеъринг байрамига айланди.

Олийгоҳ профессори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг саёй-ҳаракатлари билан дунё юзюни кўрган мазкур тўплам нафақат университет мақсади, балки кўпчилик адабиёт муҳлисларига ҳам манзур бўлди.

— Бу тўплам ижодкор талабаларнинг дастлабки минбари бўлди. Илк уриниш ҳаммаизни қувонтирди, аммо бундан кейинги алманахлар бадий жиҳатдан янада пухта, мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлмоғи керак, — деди Мухаммад Али ўз сўзида.

Тадбирда сўз олган ўзбек тили ва адабиёти факултети декани Иномдон Азимов, «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири Тўлқин Ҳайит, адабиётшунос олимлар Курдош Қахрамонов, Аҳмадбек Алимбеков, шоирлар Файрат Маждид, Носир мазкур тўплам билан университет жамоаси ҳамда талабаларни қутладилар.

Тадбир сўнггида талабалар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

БИР КЕЛИБ-КЕТИНГ, «КИРОВ» ИМИЗГА

Севимли газетамизда эълон қилинган бир гуруҳ фарғоналик ижодкорларнинг «Жой номида мантқиқ бўлсин» сарлавҳали мақоласи айни кўнглидаги мудоаа бўлди. Афсуски, хали-хануз жойларда собиқ тузумни эслатувчи номилар кўзга ташланиб, дилнингизни хуфтон қилади.


Чунончи, Оҳангарон туманидаги Сусам қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Серго» номи билан аталиб қолган қишлоқнинг номи қандай бўлса, шундайлигига тўрибди. Айни шу жойдаги бошқа бир қишлоқнинг номи хануз «Киров», маҳаллий аҳоли уни бироз бошқачароқ талаффуз қилади. «Жданов» деган қишлоғимиз ҳам бор. Болалар боғчаларининг номиларида хануз ўзгариш унча сезилмайди: «Ромашка», «Солнышко», «Теремок», «Дюмовочка»...

Яна бир таажжубли жойи шундаки, кейинги пайтларда фермер хўжаликлари, тадбиркорлик ташкилотларининг номиларининг ўзининг ажабтовурлиги ва маъмулчилиги билан диққатингизни тортади. Бугун туманда фаолият юритаётган кўплаб фермер хўжалиқларининг номиларига эътибор берсангиз, қўлларини ҳеч қандай маъно-мантқиқ йўқлигига гувоҳ бўласиз. Узингиз ўйлаб кўринг: «Сувчи Раҳмонали», «Эркинали меҳри дарё», «Асл Равшан шод», «Пирмат қурбон замини», «Юнус қомил эзгуси», «Ойбулоқ қайнар булоқ», «Оқ тулпор чавандоз», «Ботир асл», «Ал-хусайн ал зий» номилари нимани аңглатади?

Давоми иккинчи саҳифада.

Акс садо

Мўмин КАЮМОВ



«Жаҳон» АА Париж

КИТОБ ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСА...

Китоб инсоният тарихида кашф этилган энг буюқ ихтиро эканлиги ҳаммамизга маълум. Zero, китоблар бизни билим чўққилари сари етаклайди, онг-шууримизни чарқалайди, дунёқарашимизни бойитди. Алломалардан бири: «Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, бунинг учун, аввало, китоблардан мамнун бўлишим керак», деганида минг бор ҳақ эди.

Болаларни ёшлиқдан китобга ошно қилишнинг аҳамияти тўғрисида кўп ёзилган. Бунинг боиси, кўп китоб ўқиган бола қалбига юксак инсоний туйғулар жуда эрта қуртат ёзади. Айниқса, халқ эртаклари, достонларни ўқиган ёш китобхонлар ўзаро меҳр-оқибатли, раҳм-шафқатли бўлиб ўсадилар.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясида, уларни ҳар жиҳатдан баркамол авлод қилиб етиштиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан умумий ўрта ва махсус таълим тизими жиҳидий ислоҳ қилинди. Неча юзлаб янги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар қад ростлади. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқув-чиқларини дарслиқлар билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар бу йўналишда

мўлжалланган ва режалаштирилган юксак вазифаларни тўла амалга ошириш учун кен имкониятлар яратиб берди.

Сешанба кунини поятахтимиздаги Республика ўқувчилар саройида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзқитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув дарслиқлари кўргазмаси фикримизга далил бўла олади. Кўргазмада «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва «Маънавий» нашриётларида чоп этилган замонавий дарслиқлар, ўқув, бадий ва ҳуқуқий адабиётлар, плакат ва турли фотоалбомлар намойиш этилмоқда. Ушбу тадбирнинг ўзига хос томони шундаки, кўргазмада кенг жамоатчилик вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар, муаллифлар, мутахассислар ҳам иштирок этиб, мамлакатимиз нашриётларида чоп этилаётган дарслиқ ва китоблар, турли қўлланмалар тўғрисида ўз фикрларини, зарур ҳолларда танқидий мулоҳазаларини ҳам билдирадилар.

Бундай кўргазмаларни мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам ўтказиш кўзда тутилган. Тадбир доирасида китоб байрамлари, тақдирот маросимлари, шoir ва ёзувчилар билан учрашувлар ҳам бўлиб ўтади.

МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ БОШЛАНДИ

Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида, маънавий турмушимизда юз берган ўзгаришлар ичида диний қадриятларимизнинг қайта тикланиши, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Собиқ тузум мафқураси диний эътиқод эркинлигини таъқиқлаб, диндорларга ислом арконларини эмин-эркин бажаришларига йўл бермади. Бундай даҳрийлик, охир-оқибат, шўролар салтанатини таназзулга олиб келди.

— Биз Ислом дини ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз, — деб таъкидлаган эди Ўртбошимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларида. — Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинчи, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод — биз учун ўлмас қадриятдир.

Дин ва диндорларга нисбатан бундай ҳурмат ва эҳтиром кўп ўтмай жамият ва халқ ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда Рамазон ва

Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошланди. Минг-минглаб ватандошларимиз муборак ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар. Ислом маданияти ва тарихи билан боғлиқ кўплаб қадамжолар ва зиёратгоҳлар қайта таъмирланди, улуг аждодларимизнинг диний ва маънавий мероси халқимизга қайтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва диний эътиқод эгалари ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат ва бағрикенглик руҳида умргузаронлик қилаётганлари айниқса қувонарлиқдир.

Шу кунларда беш мингдан зиёд ҳамюртларимиз Тошкент, Бухоро, Термиз ва Ўрганг аэропортларидан навбатдаги ҳаж зиёратига жўнаб кетмоқдалар. Давлатимиз томонидан уларнинг муборак сафарини ташкил этиш, ҳаж арконларини тўла-тўқис бажаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилган. 10 ноябр кунини зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортдан Саудия Арабистонига жўнаб кетишди.

Маънавий ҳаёт

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида таниқли фолклоршунос олима ва шоира Музаёна Алавия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган институт илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Институт директори, профессор Тўра Мирзаев, академиклар Азиз Каюмов, Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али,

«Ўзбекино» Миллий агентлигида кино санъатини аҳоли турли қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, яратилган асарларнинг ютуқ-камчиликларини ўрганиш ва ҳолис таҳлил қилиш, суратга олиш шароитлари билан бевосита танишиш, сценарий муаллифлари, кино ижодкорлари, хусусан, режиссёр, оператор ва актёрлар билан ижодий мулоқотда бўлиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат жамоатчилик тарғибот гуруҳи ташкил этилди.

Кунин кеча агентлик бош директори Аъзам Исҳоқов тарғибот гуруҳи аъзоларига тегшлик гувоҳномадори топширди.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида таниқли шарқшунос-афғоншунос олими, филология фанлари доктори, профессор Абдуҳафиз Ганиев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Абдуҳафиз Ганиев мамлакатимизда шарқшунослик илми ривожига муносиб ҳисса қўшган етуқ олимлардан бири эди. У қирқ йил давомида изланувчан олим, таржимон, мураббий, қобилиятли ташкилотчи сифатида самарали фаолият олиб борди. Шу йиллар давомида жуда кўп истеъдодли ёшларга устозлик қилди.

Тадбирда сўзга чиққан олимлар, жумладан, институт ректори, филология фанлари доктори А. Маннонов, академиклар Азиз Каюмов, Алибек Рустамий, Нурмухаммад Иброҳимов, фан доктори А. Қурбонбеков, профессорлар Суййима Ганиева, Р. Абдуллаев, Х. Хомидий, доцент Х. Уролов ва бошқалар устоз олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида тўққинлашиб гапирдилар.

Ўз ахборотимиз

